Ҳалқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши

ҚАРОРИ

2018 йил “ 27 ” декабр **35/2-сон** **Гулистон ш.**

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий истиқболли кўрсаткичлари тўғрисида

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий истиқболли кўрсаткичларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24, 25-моддаларига биноан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий истиқболли кўрсаткичлари тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Камолов, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (Н.Шайдуллаев) ҳамда шаҳар молия бўлими (Б.Хатамов)ларга ҳудудларни комплекс ривожлантириш, жумладан саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базани ошириш юзасидан аниқ, манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги асосий эътиборни, биринчи даражали харажатлар иш ҳақи, ижтимоий нафақа ва стипендияларни тўлиқ молиялаштирилишига ва ўз вақтида тўланишига қаратиб, ушбу масалаларга шаҳар Кенгаши депутатлари, жамоатчиликни кенг жалб этишни таъминласинлар.

4. 2019 йил бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари етакчи ўринни эгаллаб, ушбу соҳаларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилсин.

5. Шаҳар молия бўлими (Б.Хатамов), шаҳар ғазначилик бўлими (Т.Умматқулов) бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтирсин.

6. Ушбу қарор ижросини таъминлаш шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Камолов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси У.Ташбаевга юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Т.Дадабаев**

Гулистон шаҳар Халқ депутатлари
кенгашининг 35/2 даги
27.12.18 сонли қарорига 1 ИЛОВА

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
	Харажатлар - жами	**108 369 562**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**88 848 829**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	67 654 349
	- мактабгача таълим	19 096 477
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	13 176 358
	- умумий таълим	48 557 872
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	46 058 843
	- кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш	19 360 247
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	17 021 581
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	1 726 815
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	298 803
	- спорт	1 428 012
1.7	Ижтимоий кўникма марказлари	107 418
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**13 432 003**
	шу жумладан:	
2.2	Ободонлаштириш	13 124 183
2.11	Ветеринария қўмитаси	307 820
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**3 550 739**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	3 550 739
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**1 465 025**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**1 072 966**

Ижтимоий соҳа учун трансфертлар - жами	**76 257 182,0**
шу жумладан:	
- мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови	13 176 758,0
- халқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови	46 058 843,0
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови	17 021 581,0
Айланма касса маблағи меъёри	**944 090**